



Дуторчи қиз Василиса!

2-саҳифала.

Тўсиқларни олиб ташлаш сиёсати

тахлил ва талқинда адашмасликни
талаб қилади

3-саҳифала.

Yaxshi kitob — do'st



4-саҳифала.

Festival

Хўқанди латиф меҳмонларни чорлайди

Кўкон деганда кўз олдимизга, биринчи навбатда, катта гилдиракли "Кўкон арава" келади. XIX асрда барпо этилган Худойрхон ўрдадаги шаҳар ўлкашунослик музейига кирсангиз ҳам дастлаб шу арава диктантининг тортгади. Лекин қанчалик машхур бўлмасин, у оддий арава!



Аслида эса бу қадимий шаҳар шу қадар бой маданий меросга эгаки, буни дафъатан тасаввур этиш қийин. Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрдаги "Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, шу йилнинг 10-15 сентябрь кунлари Кўкон шаҳрида ўтказиладиган халқаро хунармандчилик фестивали бу ўшанинг улкан тарихий мероси, бетакрор хунармандлик анъаналарини, жаҳон цивилизациясига қўшган хиссасини оламга тараннум этади. Шу боис фестивални бутун дунё катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кутмоқда.

Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, "Хунарманд" уюшмаси, Бадий академия ва Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этиладиган анжуманда юртимиздан 900 га яқин хунарманд, 75 та хорижий давлатдан маҳоратли хунармандлар, амалий санъат усталари ва мутахассислар, сайёҳлар иштирок этиши кутилмоқда. Шунингдек, маҳаллий ва хорижий хунармандларнинг кўргазма савдоси, модлар намойиши, кўғирчоқбозлар ва дорбозлар томошаси, фольклор жамоаларининг чиқишлари, турли танлов, маҳорат дарслари, тақдирот, илмий-амалий конференция ташкил этилади. Бешта йўналиш бўйича ўтказиладиган танлов ғолиблари 2 минг АҚШ долларидан 5 минг АҚШ долларигача пул мукофоти ва диплом билан тақдирланади.

Фестивалда Жаҳон хунармандлари кенгаши қадимий Кўкон шаҳрига "Жаҳон хунармандлар шаҳри" мақоми берилгани тўғрисидаги сертификатни топшириш кўзда тутилган.

Дилафруз МАННАПОВА

Kun mavzusi



Уқув қайда бўлса, улуғлик бўлар

Инсоннинг билимли ва маънавиятли бўлиб улғайишида мактабнинг ўрни катта. Уқувчиликда олинган билимлар келажакда кўплаб муваффақиятга қалит бўлади. Маърифатпарвар бобомиз Фитрат бежиз "Хаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир" дея таъкидламаган эди.

Шу боис умумтаълим мактабларини янгидан қуриш, қайта таъмирлаш, педагог кадрлар билан таъминлаш, синфхоналарни замонавий жиҳозлашга қаратиладиган эътибор бутун барчамиз учун кечиктириб бўлмайдиган, давлат даражасидаги беш масалага айланади. Бу жараёнда нафақат давлат ташкилотлари, балки юртимизда яшайдиган ҳар бир фуқаро ўз масъулиятини ҳис этса, айни муддао бўлади.

Алвони 2-саҳифала.



YOSHILAR OVOZI

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

№ 70 (16375)

7-SENTABR, SHANBA

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

www.yoshlarovoz.uz

yoshlarovoz@mail.uz

@yoshlarovoz

ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ЁШЛАР — КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Профессионал таълим tizimini yanada takomillashtiriшga doir qўshimcha chora-tadbirlar tўg'risida

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, инновацион илм-фан ютуқларини амалга таъбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш орқали мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, профессионал таълим дастурлари ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлашмаганлиги, ўқув жараёнига Ўзбекистоннинг Миллий квалификация тизими тўлақонли жорий этилмаганлиги таъйёрланаётган кадрларнинг меҳнат бозорига муносиб ўрин эгаллашларига тўсқинлик қилмоқда.

Профессионал таълим тизимини илгор хорижий таъриблар асосида такомиллаштириш, бошлангич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардор кадрлар тайёрлаш ҳамда мазкур жараёнга иш берувчиларни кенг жалб қилиш мақсадида:

1. 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикасида Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (кейинги ўринларда — Халқаро таснифлагич) даражалари билан уйғунлашган янги бошлангич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизими ҳамда табақалаштирилган таълим дастурлари жорий этиладиган таълим муас-

сасалари тармоғи ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар:

Халқаро таснифлагичнинг 3-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида 9-синф битирувчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган бошлангич профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасалари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Халқаро таснифлагичнинг 4-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида ўрта профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасалари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Халқаро таснифлагичнинг 5-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида олий таълим тизими билан интеграциялашган ўрта махсус профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган, олий таълим муассасалари хузурида факультет юртимизда таълим муассасалари рўйхати 3-иловага мувофиқ;

Касба ўқитиш марказларини ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Бандалик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимига ўтказиладиган касб-хунар коллежлари рўйхати 4-иловага мувофиқ;

Олий таълим муассасалари қувватларини ошириш, истиқболда хорижий олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларини ташкил этиш учун бериладиган касб-хунар коллежлари рўйхати 5-иловага мувофиқ;

Олий таълим муассасаларининг кўп тармоқли ўқув марказлари ва амалиёт полигонларини ташкил этиш учун бериладиган касб-хунар коллежлари рўйхати 6-иловага мувофиқ.

Алвони 2-саҳифала.

"Yoshlar — kelajagimiz" dasturi amalda



ЁШ ТАДБИРКОРЛАР КЎРГАЗМАСИ

Навоий вилоятида "Yoshlar — kelajagimiz" давлат дастури доирасида имтиёзли кредит олиб, фаолият юритаётган ёш тадбиркорлар ишлаб чиқарган махсулотлар кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмада Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева иштирок этиб, ёш тадбиркорларнинг махсулотларини кўзлан кечирди. Уларнинг келгусидаги фаолиятига омад тилади.

— "Yoshlar — kelajagimiz" дастури

доирасида имтиёзли кредит олиб, тақувилик фаолиятини йўлга қўйдим, — дейди Мадина Наврузова. — Ҳозирги кунда 5 нафар тенгдошимни иш билан таъминладим.

Жамшид МУСАЕВ

Ta'lim taraqqiyoti

ҒОЛИБЛАР ТАЛАБА БЎЛДИ

Фарғона вилоятида "Ёшларга менинг мурожаатим" танлови эълон қилинган эди. Танловда катнашиш учун 500 нафардан ортик ёш ариза топширди. Вилоят босқичига эса 22 нафар ўғил-қиз йўл олди.

Иштирокчилар ёшларни эзгуликка чорловчи, улар ўртасида турли салбий иллатларга қарши мустахкам иммунитетни шакллантиришга қаратилган "Фарғонада янги марралар, янгича фикрлаш, янгича ёндашув" ширини остида ўз мурожаат-

ларини эълон қилиш ҳамда ёшларни бешта муҳим ташаббус атрофида бирлаштириш, улар ўртасида турли салбий иллатларнинг олдини олиш каби шартлар бўйича беллашди.

Яқунда беш нафар ёш Сежонг халқаро университетининг Фарғонадаги филиалида бепул таълим олиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Гулрухсор ХУДОЙБЕРДИЕВА

СПОРТ БАЗАСИ МУҲИММИ ЁКИ СПОРТЧИ?

Шу йил 4 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқаро мусобақаларга тайёргарликни кучайтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳадаги энг муҳим ютуқ ва муаммолар, уларнинг ечимлари таҳлил этилди.

ЮТУҚЛАР

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
ВАЗИРЛИГИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

2019-2023 йилларда жисмоний тарбия ва оммавий СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
КОНЦЕПЦИЯСИ ТАСДИҚЛАНДИ.

"АЛПОМИШ" ВА "БАРЧИНОЙ"
махсус тестларини ўтказиш тизими
жорий этилди.

Беш ташаббус ҳамда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида
СПОРТ ОБЪЕКТЛАРИ ИШГА ТУШИРИЛИБ,
ЁШЛАР СПОРТГА ФАОЛ
ЖАЛБ ЭТИЛМОҚДА.

Халқаро мусобақаларда
ғолиб бўлган 204 НАФАР
СПОРТЧИ туман ва
шаҳарларга БИРИКТИРИЛДИ,
айримларининг СПОРТ
МАКТАБЛАРИ ОЧИЛДИ.



2019 йилда 145 та ОЛТИН,
134 та КУМУШ ва 163 та БРОНЗА
(жами 442 та) медали қўлга киритилди.

2 мингдан ортик
ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ
МУРАББИЙЛАРГА
ЭХТИЁЖ МАВЖУД.

МУАММОЛАР

2020 йилда Токиода бўлиб ўтадиган
XXXII ЁЗГИ ОЛИМПИАДА УЙИНЛАРИГА
ТАЙЁРГАРЛИК АҲВОЛИ ҚОНИҚАРЛИ ЭМАС.

Қатор СПОРТ ФЕДЕРАЦИЯЛАРИ ВА
ҲОКИМЛИКЛАР юқори натижаларни
таъминлайдиган СПОРТЧИЛАРГА ШАРОИТ
ЯРАТИШГА ЕТАРЛИЧА ЭЪТИБОР БЕРМАЯПТИ.

Жойларда ташкил этиладиган мусобақалар сони ва савияси талабга
жавоб бермайди. МУСОБАҚАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА
МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТДАН МАБЛАҒ АЖРАТИЛМАГАН.

Республика миқёсида ўтказилган
230 ТА МУСОБАҚАДА АЙРИМ
ШАҲАР ВА ВИЛОЯТ ЖАМОАЛАРИ
УМУМАН ИШТИРОК ЭТМАГАН.

ЯНГИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ЯРАТИШ юзасидан илмий ИЗЛАНИШЛАР
ОЛИБ БОРИЛМАГАН. Бу соҳада МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ЙЎҚ.

МУСОБАҚАГА ТАЙЁРГАРЛИГИ ВА ТИКЛАНИШ ЖАРАЁНИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ БУЙИЧА КОМПЛЕКС ЛАБОРАТОРИЯ МАВЖУД ЭМАС!

Олимпия захиралари ва олий спорт маҳорати мактаблари тренерларининг
ОЙЛИК ИШ ҲАҚИ МАКТАБ УЎҚУВЧИЛАРИНИКИДАН 2 БАРОБАР ПАСТ.

Кўпчилик атлетлар ДОПИНГ бўлмаган қандай моддалардан фойдаланиш
мумкинлигини билмайди.

2 миндан зиёд МАКТАБДА СПОРТ ЗАЛИ ЙЎҚ, 3 миндан ортиги эса
ТАЪМИРТАЛАБ.

Спортга ихтисослашган МАКТАБЛАРДА СПОРТ ЗАЛИ, ЁТОҚХОНА, ЎҚУВ
БИНОЛАРИ ЕТИШМАЙДИ.

Мамлакатимиздаги 12 миндан ортик СПОРТ ИНШОТИНИНГ БИР КУНЛИК
ҚУВВАТИ ҚАРИЙБ 1,5 МИЛЛИОН КИШИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.

ЕЧИМ

Худудлардаги ҳар бир спорт муассасасидан ИСТЕЪДОДЛИ
СПОРТЧИЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ тизими йўлга қўйилади.

СПОРТ ФЕДЕРАЦИЯЛАРИДА
ИЛМий-КОМПЛЕКС ЛАБОРАТОРИЯЛАР
ТАШКИЛ ЭТИШ БУЙИЧА ҚАРОР
ЛОЙИҲАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ.

Олимпия уйинларига
тайёргарлик қўриш бўйича
ЯҚОНА МАРКАЗ
БАРПО ЭТИЛАДИ.

Спортчиларнинг тайёргарлик жараёнига ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИГАН БЎЛДИ.

Умумтаълим муассасаларида спорт объектлари қуриш ва
таъмирлаш, уларни замонавий жиҳозлаш, ихтисослашган мактаб-
интернатларнинг МОДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМ-
ЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ.

Мактаб ўқувчилари ўртасида спорт мусобақалари
ва жисмоний тарбия фанидан олимпиада ташкил
қилиб, уларда ғолиб бўлганларни ОЛИЙ ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИГА ҚВОТАДАН ТАШҚАРИ
ИМТИЁЗЛИ АСОСДА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҳамда спорт
тоифаси бериш масаласи қўриб чиқилди. Уларни
тайёрлаган ўқитувчилар ИШ ҲАҚИГА ҚўШИМЧА
УСТАМА, ЮҚОРИ ТОИФА ВА УНВОНЛАР
БЕРИЛАДИГАН БЎЛДИ.

Мураббийларга талаб юқори бўлган йўналишлар бўйича
МАХСУС СИРТҚИ БЎЛИМЛАР ташкил қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Бошланғич 1-сўғиш

Бинолари умумий ўрта таълим муассасалари сифатида фойдаланиладиган касб-хунар коллежлари рўйхати 7-иловага мувофиқ тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига зарур ҳолларда ушбу банд билан тасдиқланган рўйхатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки: а) бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим муассасаларига Халқаро таснифлагич бўйича асосий таълим дастурларидан ташқари қуйи даражадаги таълим дастурлари бўйича кадрлар тайёрлаш ҳуқуқи берилди;

б) тизимда мос равишда бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим дастурлари жорий этилган касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумлардан аборат профессионал таълим муассасалари тармоғи ташкил этилади;

в) касб-хунар мактабларида: кадрлар тайёрлаш умумтаълим муассасаларининг 9-синф битирувчилари ҳисобидан шакллантирилган гуруҳларнинг 2 йиллик умумтаълим ва мухассаслик фаълларининг интеграцияланган дастурлари асосида қундузги таълим шаклида амалга оширилади;

г) коллежларда: кадрлар тайёрлаш Халқаро таснифлагичнинг камида 3-даражасига мос таълим дастурларини тасдиқлаш, "Ҳаёт давомида таълим олиш" принципи асосида амалга оширилади;

д) техникумларда: кадрлар тайёрлаш Халқаро таснифлагичнинг камида 3-даражасига мос таълим дастурларини тасдиқлаш, "Ҳаёт давомида таълим олиш" принципи асосида амалга оширилади;

е) жорий саклаш, фаолиятни юритиш, моддий-техник базани мустақамлаш ва кадрлар тайёрлаш харажатлари тегишли вазирилик, идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ўқувчиларни давлат буюртмаси ва тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

ж) жорий саклаш, фаолиятни юритиш, моддий-техник базани мустақамлаш ва кадрлар тайёрлаш харажатлари тегишли вазирилик, идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ўқувчиларни давлат буюртмаси ва тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

з) жорий саклаш, фаолиятни юритиш, моддий-техник базани мустақамлаш ва кадрлар тайёрлаш харажатлари тегишли вазирилик, идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ўқувчиларни давлат буюртмаси ва тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

камида умумий ўрта маълумотта эга бўлган шахслар ҳисобидан шакллантирилган гуруҳларда касблар ва мухассасликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда 2 йилдан кам бўлмаган муддатда қундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида амалга оширилади;

ўрта махсус таълим дастурларини муваффақиятли тамомлаган битирувчилар ўз соҳасига мос бакалаврият таълим йўналишлари бўйича кириш имтиҳонларини яқка тартибдаги сўбат орқали олий таълим муассасаларида 2-курсдан ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлади;

жорий саклаш, фаолиятни юритиш, моддий-техник базани мустақамлаш ва кадрлар тайёрлаш харажатлари тегишли вазирилик, идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ўқувчиларни давлат буюртмаси ва тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

з) касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумларга идоравий бўйсунувидан қатъи назар ўқув-методик раҳбарлик қилиш ҳамда бу соҳада давлат сибсатини юритиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик томонидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик 2020 йил 1 январдан янги ташкил этиладиган бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим муассасаларининг таъминоти, шу жумладан, уларнинг жорий саклашига, фаолиятини юритишига, моддий-техник базани мустақамлашга Давлат бюджетни параметрлари доирасида зарур молиялаштиришни назарда тутиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилик ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлар ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини тугатишга қаратилган таълим тизимини молиялаштиришга йўналтирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилик, Иктисодиёт ва саноат вазирилик, Савдо-саноат палатаси манфаатдор вазирилик ва идоралар билан биргаликда:

а) икки ой муддатда Миллий квалификация тизими-га мувофиқ Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчи касблари классификаторини қайта қўриб чиқсин;

б) илгор хорижий тажрибалар асосида: уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасида Миллий квалификация рамакларини; 2020 йил 1 январгача иктисодиётнинг барча тармоқлари учун Квалификация рамакларини; 2020 йил 1 апрелгача Миллий профессионал стандартларини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик:

а) қуйидагиларни: икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасидаги ўрта махсус профессионал таълим тўғрисидаги низоми тасдиқласин;

б) 2020 йил 1 июнгача бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизими учун таълим дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармоннинг мақсад ҳамда вазифаларини кенг ёритиш бўйича чиқишлар ва мавзуга оид кўрсатувларни ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, Адлия вазирилик бошқа манфаатдор вазирилик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларида мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдухакимов зиммасига юксатсин.

га мувофиқ Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчи касблари классификаторини қайта қўриб чиқсин;

б) илгор хорижий тажрибалар асосида: уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасида Миллий квалификация рамакларини; 2020 йил 1 январгача иктисодиётнинг барча тармоқлари учун Квалификация рамакларини; 2020 йил 1 апрелгача Миллий профессионал стандартларини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик:

а) қуйидагиларни: икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасидаги ўрта махсус профессионал таълим тўғрисидаги низоми тасдиқласин;

б) 2020 йил 1 июнгача бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизими учун таълим дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармоннинг мақсад ҳамда вазифаларини кенг ёритиш бўйича чиқишлар ва мавзуга оид кўрсатувларни ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, Адлия вазирилик бошқа манфаатдор вазирилик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларида мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдухакимов зиммасига юксатсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 6 сентябрь

Уқув қайда бўлса, улғулик бўлар



Бошланғич 1-сўғиш

Айни пайтда таълим тизими тубдан ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Президентимиз томонидан халқ таълими тизимига оид 6 та фармон ва қарор, Вазирлар Маҳкамасининг 21 та қарори қабул қилинган бу борадаги саъй-харақатлари янада жонлангирди. 11 йиллик мактаб таълими тизими тиклангани, сўнгги уч йил ичида юртимизда 157 та умумтаълим мактаби янгидан қурилгани бунга мисол бўлади.

Мактаб нуфузини ошириш, ўқувчи ёшларни ҳар томонлама билимга чанқок этиб тарбиялашда ўқитувчининг ўрни бекиб-бедир. Зиёиларимиз: "Дунё иморатлари ичида энг улғулик мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлики ўқитувчилик ва мураббийликдир", дея таъриф бергани айни ҳақиқат. Ўқитувчилик жуда масъулиятли касб. Ўз устида ишлаган, тинимсиз ўқиган кишига бу касбга муносиблигини ҳаёт кўрсатяпти.

Бугун юртимиз умумтаълим мактабларида 460 мингга яқин педагог фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг меҳнатини рағбатлантириш бўйича самарали ишлар бажарилаётди. Охириги 3 йилда

Ўқитувчиларнинг иш ҳақи ўртача 2,5 баробарга ошди. Халқ таълими тизимига 12 минг 871 нафар эркак ўқитувчи қайтгани ҳам қувонарли, албатта. Жамиятнинг ҳар бир жаҳасида эркак кишининг ўрни муҳим. Айниқса, бу ўқувчи-ёшларнинг таълим-тарбиясида сезилади. Илгари эркак педагоглар зиммасига таълимдан ташқари қўллаб қишлоқ хўжалиги ишлари ҳам юксатилгани, ойлуклар пастиги сабаб улар мактабларни тарк этган эди. Эндиликда, бу муаммонинг ҳал этилгани ўқувчи ёшлар таълим-тарбиясида ижобий ўзгаришлар бўлишига ишонч уйғотади.

4 сентябрь кўни мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида "Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!" шиори остида "Биринчи кўнгирик" тадбирлари қўнғирик кайфиятда ўтказилди. Шундай тадбир Шайхонтоҳур тумани "Кўкча" МФЙ ҳудудидаги 192-умумтаълим мактабида ҳам ўтказилди. Янги ўқув йилида мактаб янги кўкча кўкча кўкча. Жорий йилнинг ўзида "Обод маҳалла" дастури асосида қайта таъмирланиб, ўқув хоналари етарли жиҳозлар билан тўлдирилди.

— 30 йилдан бун шу мактабда дарс бераман, — дейди

музыка маданияти фани ўқитувчиси Юсуф Курбонов. — Юртимизда мактаб тизимининг қайта ислоҳ этилиши тарихий воқеа бўлди. Айниқса, давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 23 августда халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларида бағишланган видеоселектор йиғилишида айтган гаплар мен қатори қўллаб ҳамкасбларимнинг қучиқа-қуч, ғайратига-ғайрат қўлди.


Мактаб 960 нафар ўқувчи-чағирма қўллаб қишлоқ хўжалиги ишлари ҳам юксатилгани, ойлуклар пастиги сабаб улар мактабларни тарк этган эди. Эндиликда, бу муаммонинг ҳал этилгани ўқувчи ёшлар таълим-тарбиясида ижобий ўзгаришлар бўлишига ишонч уйғотади.

Шундай экан, яратиб берилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ўқитувчи-педагогларимиз чукчур билим ва кўникмага эга бўлиб, ўқувчи-ёшларнинг сифатли таълим олишига кўмаклашиши, улар эса қўллаб қишлоқ хўжалиги ишлари ҳам юксатилгани, ойлуклар пастиги сабаб улар мактабларни тарк этган эди. Эндиликда, бу муаммонинг ҳал этилгани ўқувчи ёшлар таълим-тарбиясида ижобий ўзгаришлар бўлишига ишонч уйғотади.

Ҳасан УСМОНОВ

Huquqiy targ'ibot

Судланганлик — суд ҳукми билан ҳар қандай жазо тайинланган шахс содир этган жиноятнинг ҳуқуқий оқибатидир. Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган ҳисобланади. Судланганлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида назарда тутилган ҳолларда ва шахс бошқа жиноят содир этгандагина ҳуқуқий аҳамият касб этади.



СУДЛАНГАНЛИК — ЖИНОЯТНИНГ ОҚИБАТИДИР

Қонун судланганлик ҳолати барҳам топиши ва унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлишининг фақат икки усулини — унинг тугалланиши ва олиб ташланиши назарда тутлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 78-моддасига мувофиқ, судланганлик қуйидаги пайтларда тугалланган ҳисобланади:

а) шартли ҳукм қилинганларга нисбатан — синов муддати тугаган кундан бошлаб;

б) мажбурий жамоат ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазоларини ўтаб чиққач;

в) жарима жазоси ижро этилган кундан кейин, шунингдек, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ўталганидан кейин бир йил ўтгач;

г) озодлиқни чеклаш жазоси ўталганидан кейин — икки йил ўтгач;

д) беш йилдан кўп бўлмаган муддатда озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — тўрт йил ўтгач;

е) беш йилдан ортқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатда озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — етти йил ўтгач;

ж) ўн йилдан ортқ, лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган муддатда озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — ўн йил ўтгач.

Шунингдек, жазони ўтаган, аммо қонуннинг ўзгариши билан бундай қилиш жиноят деб ҳисобланмайдиган тақдирда шахс судланмаган ҳисобланади.

Судланганлик ҳолатини олиб ташлашнинг ҳуқуқий асослари ва тартиби қонунларимизда батафсил баён этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 79-моддасига кўра, агар шахс озодлиқдан

маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлганидан кейин унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чоралари қўлланилмаган бўлса, жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоа ёки жазони ўтаб чиққан шахсининг ўзи берган илтимосномасига кўра, суд юқоридаги муддатларнинг камида ярми ўтганидан кейин унинг судланганини янада жойидаги туман суди томонидан олиб ташлаш мумкинлиги кўрсатилган.

Қонун мазмунига кўра, судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки судланганликни олиб ташлаш муддатлари асосий ва қўшимча жазолар ўтаб бўлган кундан бошлаб ҳисобланади.

Мухтасар айтганда, судланганлик ҳолати нафақат ундан келиб чиққан жиноий ҳуқуқий оқибатларга, балки умумий-ҳуқуқий оқибатларига (муайян ўқув юртига ўқишга, ишга кириш ва лавозимларни эгаллаш, режим белгиланган муассасаларда ишлаш ҳуқуқи чекланиши мумкин, қурол олиш ва саклаш тақиқланади ва ҳокзо) ҳам таъсир қилиб, унинг тугалланиши ва олиб ташланиши муддатларини тўғри ҳисоблаш ҳамда шахсининг жазони ўтаб чиққандан кейинги бениқсон ҳулқ-атвори, яъни унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чораси қўлланилмагани, бошқа судланмагани ва ижобий таъсирланганлиги ҳақидаги маълумотларни тўлиқ ўрганиш барча судьялар учун муҳим аҳамият ва масъулият касб этади.

Анжелика ШАМСУДИНОВА, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси, Қаҳрамон МИРСАФАЕВ, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яшнобод туман судининг судьяси

Abdulla Qodiriy tavalludining 125 yilligiga

Улуғ адибга эҳтиром

Президентимиз ташаббуси билан сўнгги йилларда таълим тизимига катта эътибор берилмоқда. Айниқса, Жиззахда Ҳамид Олмжон ва Зулфия, Нукусда Ибройим Юсупов, Қаршида Абдулла Орипов, Анди-жонда Мухаммад Юсуф, Фарғонада Эркин Воҳидов, Тўрақўрғонда Исҳоқхон Ибрат номдаги ижод мактаблари ташкил этилгани адиб-ёш, ижод аҳлига бўлган эҳтиромнинг ёрқин намунаси бўлди. Қувонарлики, улар сафига Сирдарё вилоятида Ҳалима Худойбердиева, Хивада Огаҳий ҳамда Тошкент шаҳрида Абдулла Қодирий номдаги ижод мактаблари ҳам қўшилди. Мазкур илм даргоҳларида она тили ва адабиёт фанлари чуқурлаштирилган тарзда ўтилади.

Ўзбек романчилиги асосчиси, маърифатпарвар бобомиз Абдулла Қодирийнинг таваллуд топонанига бу йил 125 йил тўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги фармойишига мувофиқ, Тошкент шаҳар ҳокимлигига Абдулла Қодирий ижодига бағишланган адибий музей, кутубхона билан биргаликда ижод мактаби барпо этиш вазифаси топширилган эди. Айни кунларда Олмазор туманида жойлашган Абдулла Қодирий номдаги истироҳат боғида адиб номдаги мажмуа барпо

этилмоқда. Адибий музей, кутубхона билан биргаликда ижод мактаби биносининг қурилиш ишлари шу йил декабрь ойида якунланади.

Кириш имтиҳонлари 3 та босқичда олиб борилди, — дейди мактаб директори Нилуфар Йўлдошева. — 488 нафар ўғил-қиз ишю, савод-жавоб ҳамда тест синовларида катнашиб, улар орасидан 120 нафар ўқувчи саралаб олинди.

Адиб номини улуғлаш, унга хурмат кўрсатиш каби амалий ишлар давом этмоқда. Ижод мактабига қабул қилинган ўқувчиларни таъриқлаш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюммасида учрашув бўлиб ўтди. Таъдирда Ёзувчилар уюммаси аъзолари, адабиётшунос олимлар, Халқ таълими вазирилик вакиллари, ижод мактаби ўқувчилари, мактаб раҳбарияти, ўқитувчилар, ўқувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Таъдирда ўзбек романчилигининг асосчиси, фидойи миллатпарвар Абдулла Қодирийнинг каттагонга учраши ҳақидаги қисқа метражли хужжатли фильм намойиш этилди. Адибнинг нафисари Хондмир Қодирий мактаб ўқувчиларини қизғин таъриқлаб, уларга хотираларини сўзлаб берди.

Шерзод МАҲМУДОВ

Sening tengdoshing

Дуторчи қиз Василиса!



Ўзбекистон қўл миллатли ва бой моддий-маънавий меросга эга замин. Бунинг мисолини Василиса Найпак эришаётган ютуқларда кўришимиз мумкин. Украин миллатига мансуб бу қиз дутор чалишни жуда чуқур ўзлаштирган.

У 2000 йилда Фарғона шаҳрида дунёга келган. Фарғонадаги санъат мактабига тахсил олиб, 2016 йилдан бунён Фарғона санъат коллежида устозлари Хуршида Қаҳҳорова ва Тоҳиржон Қаҳҳоров қўлида билимини мустақамлаб, дутор илмини ўзлаштириб келмоқда.

Василиса Найпак аънавий дуторга астойдил меҳр қўйди. Бугунгача қўллаб танловларда совриндорлар қаторидан жой олди. Жумладан, 2017 йилда Мадааният вазирилик томонидан ташкил этилган "Ёш ижрочилар" республика танловида II даражали диплом билан тақдирланди. 2019 йил "Нихол" мукофотида сазовор бўлди.

— 10 ёшимдан дутор чаламан. Марғилон шаҳридаги музыка ва санъат мактабига 6 йил таълим олдим. Дутор чалишга меҳрим ортишида биринчи устозим Наргиза опа Мамажонованинг ҳиссаси катта, — дейди Василиса.

У санъатдан ташқари шахмат ва стол тенниси билан ҳам шугулланади. Айни кунларда Василиса Найпак Юнус Ражабий номидаги "Маком ансамбли" таркибига "Шукрона" дуторчилар ансамбли ижрочилиги сифатида фаол иштирок этмоқда.

Шалола ЯҲЁЕВА, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти 3-босқич талабаси

Ma'naviyat — qudratli kuch

Ориятингизни оёқости қилманг!

Сўнги пайтларда тўй маросимлари орасида пайдо бўлган "Куёв салом" удуми жамоатчилик муҳокамасига сабаб бўлмоқда. Шундай удум ҳақиқатан ҳам бор-йўқлиги ҳақида ёши катталардан, танишларимдан сўрадим. Афсуски, айрим ҳудудларда "Куёв салом"га хурмат белгиси сифатида қаралар экан.

Наҳотки, гурури бўйидан баланд, деб таърифланган ўғлонларимиз кайнона-қайнотасига хурматини шу тарика ифодаласа?! Ахир йигитнинг нуомуси — унинг ориятда эмасми? Уламоларимизнинг таъкидлашича, Аллоҳ эр кишини аёл бошига раҳбар эътиб тайинлаган экан. Икки букилиб, таъзим қилаётган йигитни кўз олдингизга келтиринг. Куёв саломни адо этаётган

"Оила раҳбари" ўша онда нималар ҳақида ўйлар экан...

Кайнона-қайнотасидан, янги қариндошларидан совға-салом олмасинга эғлиб салом бераётган куёв тасвири ижтимоий тармоқларда тез тарқалди. Ҳатто "Фалончига қайнотаси машина берибди, менга нима бераркан? Шаҳардаги икки хонали квартирасини берса яхши бўларди-да", деб орзу қилаётган-

га кейинчалик қандай муносабатда бўлади?

Кишини ўйлантирадиган яна бир жиҳат. Интернетда тарқалган видеода "куёв салом"ни ёши катта, ҳаёт таърибига эга, уч-тўрт фарзанднинг отаси бўлган эркак айтипти! Унга қараб: "Илтимос, бошқа барча жанрлардаги қўшиқларни айтгинг. Фақат эр ўғлонининг бошини эгитишга мажбур қиладиган "ўлган"ингизни айтманг!", дегингиз келади.

Инсон бошини тик тутадиган, руҳиятини мустақамлайдиган ягона ҳис — гурурдир. Ақа-укаларим, сиздан илтимос, ориятингизни оёқости қилманг...

Гулчехра АШУРОВА, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи

Eksklyuziv

Тўсиқларни олиб ташлаш сиёсати

таҳлил ва талқинда адашмасликни талаб қилади

Жаҳон сиёсий майдонида етакчи кучлар ким? Марказий Осиё улар учун нимаси билан қизиқ? Ўзаро ИНТЕГРАЦИЯДАН ДАВЛАТЛАР ЮТАДИМИ ЁКИ ЮТҚАЗАДИ? “КАТТА ОСИЁ” АТАМАСИ НИМАНИ АНГЛАТАДИ? Нега МИНТАҚАМИЗ ҲУДУДИДА СИЁСИЙ ТУЗИЛМАЛАР КўП?



Бу каби “қитқловчи” саволлар ҳар қандай даврда кизгин баҳс-мунозарани келтириб чиқариши аниқ. Бўлмаса-чи, ахир, дунёда манфаатлар тўқнашуви давом этмоқда. Қудратли давлатларнинг сиёсий амбициялари исталган пайтда ва исталган мамлакатда барқарорликни издан чиқариши мумкин. Бундай мураккаб вазиятда ким, қандай қоидалар бўйича ўйин олиб бораётганини тушуниш, воқеа-ҳодисаларга объектив баҳо бериш, таҳлил ва талқинда адашмаслик жуда муҳим. Айниқса, журналист учун.

Август ойининг охири саналарида Москва шаҳрида “Медиашия” халқаро мактаби ўз иштини якунлади. Уни М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Ахборот-таҳлил маркази ташкил этди. Мақсад янги авлод журналистларини Евроосиё контекстидаги халқаро муносабатлар мавзуси билан чуқурроқ таништиришдан иборат. Ўқув модулида Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ҳамда Россия Федерациясидан саралаб олинган жами 30 нафар мутахассис иштирок этди.

Лойиҳа доирасида ёш журналист ва сиёсатшунослар россиялик экспертлар, таҳлилий доиралар вакиллари, медиакоммуникациялар соҳасидаги етук мутахассислар билан жонли мулоқотда бўлди. Маърузалар блокда Евроосиё минтақасидаги интеграцион жараёнлар, бунинг учун тақлиф этилаётган янги концепциялар моҳияти, стратегик шериклик масалалари, савдо-иқтисодий муносабатларнинг ўзига хосликлари, мафкуравий урушлар ҳамда гоғайи қарама-қаршиликлар хусусида сўз юритилди. Медиамактаб тингловчилари халқаро сиёсий майдондаги воқеалар келгусида қандай сценарийлар асосида ривожланиши ҳамда у ёки бу вазиятдан Марказий Осиё давлатлари нечоғлик наф қуриши билан қизиқди.

БИРЛАШГАН ЎЗАРИ

Россия Фанлар академиясининг Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар институти директори, танлики америкашунос олим Фёдор Войтоволский дунё мамлакатлари тарихида хали ҳеч қачон бир-бирига бугунгидек боғлиқ бўлмаганини таъкидлади. Қизғин шундаки, давлатларара рақобат, айтайлик, иқтисодий санкцияларни қўллаш механизми бундай тенденцияга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Экспертнинг фикрича, кейинги 10-15 йил ичида вазият янада кескинлашади.

— Хитой ва АКШ муносабатларини олайлик, — деди Ф.Войтоволский. — Бу икки давлат жуда кўп масалалар бўйича ўзаро қарама-қаршиликларга эга. Шунга қарамай, улар ўртасидаги товар айирбошлаш кўрсаткичи охири йигирма йилдан буён фавқат ортмоқда. 2018 йилда умумий киймат 737 миллиард АКШ долларини ташкил қилди. Қолаверса, Америка корпорациялари Хитой иқтисодиётига салкам 125 миллиард АКШ доллари миқдорда инвестиция киритган.

Фёдор Генрихович Марказий Осиёдаги вазиятга ҳам баҳо берди. — Минтақа мамлакатлари жиддий танлов олдида турибди, — қайт этди эксперт. — Улар ташқи сиёсатда ўз мўлжалларини белгилаб олиши керак. Хитой ва Россия капитализм ривожланиши кийинчилиги сиёсий элита яхши билди. Шундай эса-да, халқаро майдондаги бошқа томонлар билан ҳам ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Бу жиҳатдан Ўзбекистоннинг прагматик сиёсати алоҳида эътиборга молик.

Айни вақтда Марказий Осиё республикаларига тизимли фикрлайдиган, дунёдаги жиддий хавф-хатарларни ўз вақтида илғаб, тўғри қарор қабул қила оладиган янги авлод раҳбар кадрлари керак.

Бундай эҳтиёжни инсон капиталини юксалтириш эвазига қондирса бўлади.

ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ УЧУН ХИТОЙЧА СЦЕНАРИЙ

Россия Фанлар академияси Иқтисодиёт институти ходими Елена Кузьмина ўз маърузасида Евроосиё минтақасидаги интеграция жараёнларининг иқтисодий компонентини таъкидлади берди.

— Иқтисодий интеграцияга, аввало, Хитой ва Россия интилоқда, — қайт этди тадқиқотчи. — Россия Федерациясининг ташқи сиёсат бўйича янги доктринасида асосий ургу МДХ давлатлари-га қаратилган. Замонавий истилоҳда бу худуд “Катта Осиё”, деб юритилмоқда. Иқтисодий интеграциянинг хитойча сценарийсини эса “Бир мақон, бир йўл” концепциясида кўришимиз мумкин. Шу орқали ХХР ўзи билан чегарадош мамлакатларни эркин савдо платформасига тортиқчи. Аммо

бугун Хитой ҳам, Россия ҳам иқтисодий Евроосиёни мустақил равишда ва ўзлари хоҳлагандек барпо эта олмаслигини тушуниб этди. Бошқача айтганда, минтақанинг қолган мамлакатлари билан интеграциялашиш зарур. Бу гоё 2003 йилдан бунён мавжуд. Бироқ умумий қоидалар ишлаб чиқилмагани боис озуқ вақт қозғода қолиб келаётгани.

Хозирги кунда иқтисодий интеграция маълум маънода Шанхай ҳамкорлик таш-

охири икки йил мобайнида минтақала жиддий иқтисодий силжишлар кузатишганини таъкидлаш лозим, — давом этди Е.Кузьмина. — Бу, биринчи навбатда, Ўзбекистоннинг дунёга тобора очилиб бораётгани ҳамда яқин қўшничилик алоқаларини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратгани билан боғлиқ. Натижала барча қардош республикалар билан савдо-иқтисодий муносабатлар тикланиб, барқарорлашди. Масалан, 2014-2018 йиллар мобайнида биргина Тожикистонга экспорт қилинган маҳсулотлар қиймати нақ 148 фоизга ортгани (илгари деярли 0 даражада эди) фикримизни яққол исботлайди.

МИФМИ ЁКИ ҲАҚИҚАТ?

Охириги 20-30 йил ичида Евроосиё худудидида бир қанча сиёсий, иқтисодий, ҳарбий бирлашмалар тузилди. Уларнинг қўлиги, аниқроғи, кўпайиб бораётгани яхшини ёки ёмон деган саволни “Медиашия” халқаро мактабининг навбатдаги спикери — Интеграциялар истикболларини ўрганиш маркази директори, RuBaltic.Ru таҳлилий портали муҳаррири Сергей Рекеда ўртага ташлади. Даставвал у аудиториядан интеграция тушунишини изоҳлаб беришни сўради. “Тўсиқларни олиб ташлаш (йўқотиш)” деган таъриф қолган вариантлар орасида энг ҳаққоний-си бўлиб чиқди.

У дунёда мунтазам равишда янги геоиқтисодий кўтлар юзага келаётганини таъкидлади. Бундай шароитда ташқи таҳдидлар кучайиши аниқ ва биронта ҳам мамлакат уларга қарши ёлғиз кураша олмайди. Бирлашибгина халқаро майдонда рақобатлашиш мумкин. Интеграциянинг муҳим жиҳати ҳам шунда.

— Евроосиё Иттифоқи айнан иқтисодий интеграцияга асосланган тузилмадир, — таъкидлади эксперт. — Кимдир уни Москванинг собиқ совет тузумини қайтаришга бўлган уриниши, деб ҳисоблайди. Базиларда Иттифок атрофида бирлашиш мамлакатларини суверенитетдан маҳрум этади, деган хавотир бор. Аммо бундай мулоҳазалар мифдан бошқа нарсас эмас. Хозир Евроосиё маконида турли бирлашмалар фаолият

нал жиҳатдан бир-бирини такрорлаётганини кузатишимиз. Оқибатда ташқи имиж учун кураш, ўзига хос “пойга” юзага келмоқда. Ҳар қандай халқаро тузилма, аввало, унга аъзо давлатларнинг умумий манфаатига хизмат қилиши керак. Қайси-бир томон эгоцентрик қайфиятга берилиб, кўрпани ўзига тортиди, бўлди, бундай интеграция узок яшолмайди.



Худди шу фикрни ташқи сиёсат бўйича яна бир етук мутахассис — Россиядаги Олий иқтисодий мактабининг Европа ва халқаро комплекс тадқиқотлар маркази директори Анастасия Лихачёва ҳам тасдиқлади. У раҳбарлик қилаётган илмий муассаса Евроосиё Иттифонининг интеграцион тузилма сифатидаги ютуқ ва муаммоларини ўрганиш ҳамда кейинги истиқболларини баҳоратлаш билан шугулланади.

ЎЗБЕКИСТОННИ КУТИШЯПТИ

— Евроосиё Иттифоқи географик камрови доирасига кирмайдиган минтақалар билан ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўймоқда, — дейди А.Лихачёва. — Бунинг учун ташқи қузғувчи, эркин савдо зонаси (ЭСЗ) каби форматлар қўлланилган. Шу аснода Вьетнам ва Ҳиндистон бозорларига йўл очилди. Хозир Исроил, Сингапур, Миср, Сербия билан музокаралар олиб борилмоқда. Шубҳасиз, барча аъзо давлатлар Евроосиё Иттифоқи таркибида, аввало, Ўзбекистонни кўришни хоҳлайди. Сабаби бу ўлкада 33 миллиондан зиёд аҳоли яшайди ва у Марказий Осиёнинг “юраги”да жойлашган. Лекин айни вақтда Ўзбекистон ички трансформация жараёнини бошидан кечирмоқда. Бундай паллада мамлакат Евроосиё Иттифоқида қўшилиши кийин. Хозирча оптимал вариант сифатида ЭСЗ+ форматини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

ЭҲТИЁТКОР ТУРКЛАР ВА ЭРОНИЙ АМБИЦИЯ

“Валдай” халқаро мунозаралар клуби эксперти, политолог Фарход Ибрагимов ислом мамлакатларининг Марказий Осиёдаги маъкеини ошириш усулларига бағишган маъруза-

заси билан аудиторияни “портлатиб” юборди. Гап Эрон ва Туркия хусусида кетмоқда.

— Эрон Марказий Осиё мамлакатлари билан, аввало, маданий жаҳада диалог олиб боришга ҳаракат қилмоқда, — дейди Ф.Ибрагимов. — Бунда асосий эътибор Тожикистонга қаратилган. Бироқ Тожикистон расмийлари Эрондан турли радикал оқимлар кириб келиши мумкинлигидан доимо хавотирда. Шу боис масофа сақлашни маъқул кўрмоқда. Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳам худди шундай позицияни танлаган. Бу мамлакатлар учун

Эрондан ҳам кўра, Европа Иттифоқи билан иқтисодий муносабатларини кенгайтириш муҳимроқ. Боз устига, эронликлар ортқича ривали сарфлагиси келмайди ва савдо-инвестициявий лойиҳаларни фақат тенг шериклик тамойили асосида амалга оширади. Эронликларда Марказий Осиё бозорини эгаллаб олиш амбицияси ҳам йўқ эмас. Бироқ минтақа мамлакатлари бунга йўл қўйишни истамайди. Акс ҳолда, аввал иқтисодий, кейин эса сиёсий экспансиянинг юз бериши муқаррар.

Туркия Республикасининг ҳам Марказий Осиё минтақасида ўз манфаатлари бор. Бир вақтлар туркпарастлик гоғси билан “қасалланган” бу мамлакат эдилкада ташқи сиёсий векторни биз томонга ўта эҳтиёткорлик билан йўналтирмоқда.

— Турклар хозир ҳам Марказий Осиё давлатларига таълим ва маданий дастурлар орқали кириб борапти, — таъкидлади Ф.Ибрагимов. — Лекин аввалги хатолардан ҳулоса чиқарган ҳолда бундай фаолиятда сиёсат минимум даражага етказилган. Туркия ҳарбий-техник соҳадаги ҳамкорлик орқали ҳам минтақадagi мавкеини оширишга интилоқда.

“Медиашия” халқаро мактаби ўқув дастурининг иккинчи қатта қисми журналистикага бағишланди. Амалий машғулотлар ва маҳорат дарслари тинловчиларга замонавий медиа маконининг кўринмас қоидаларини англаш, янги билим ва кўникмаларни эгаллаш имконини берди. Лекин бу алоҳида мақола учун мавзу. Газетамизнинг кейинги сонларини қузатиб бориң.

Наргиза УМАРОВА
Тошкент — Москва — Тошкент.

Mulohaza uchun mavzu

Кўча санъаткорлари

уларнинг истеъдоди кўчада йўқликка юз тутмоқда



Ёшлар ҳеч бир замонда ҳаммага бирдай маъқул бўлган эмас. Кимгадир юриши, гапирини, кийиниши, феъл-атвори ёқмаса, яна биров кўрслиги, гап таъсир қилмаслиги, китоб ўқимаслигини танқид қилади. Бундан минг йиллар олдин бунёд этилган “Ёшлар бузилиб кетяпти” битиклари сўзимиз исботидир...

Тошкентнинг “Сайилгоҳ” кўчасида хонанда, созанда, рақосдан тортиб расомга-ча учратиш мумкин. Бу ерда улар халқимиз ҳамда меҳмонларга нобъ иқтисдорини намойиш этади. Томошалар ярим тунгача чўзилади.

— Биз эркинмиз. Санъат билан ухлаб, санъат билан уйғонамиз. Мусиқа ва рақс билан яшаймиз, — дейди “бесужк ўйини” кўрсатаётган рақос йигит.

— Мустақил халёт кечираман. Ота-онам чет элди. Хизмат сафари билан юришди. Ёшлигимдан улар айтганини қилишган. Ҳеч бир хатти-харакатимга эътироз билдиришмайди. Мен эркин қўшман! — гитарасини қучоқлаб, сўхбатга қўшилиди ашулчи. Гарчи “мустикалман” дея қулиб турган санъат иқтисдорларининг қўзларига

боқар экансиз, беихтиёр уларда қандайдир оғриқнинг турфа жилларини кўрасиз. Қизик, бу оғриқлар нима экан?!

— Дам олиш кунлари оилам билан сайрга чиқишга одатланганмиз. Гоҳида бу ердаги кўча рақослари, хонандаларнинг кийимлари, баъқана қилиқларини кўришга юз чидамайди. Улар тиланчи! — дейди дам олувчилардан бири. — Фақат отам замонадигидек хуржун кўтариб, уйма-уй юрадиган, бир бурда нон сўрайдиган эмас, нархи осмондаги мусиқа асбобларини чалиб, эвазига пул терадиган замонавий тиланчилар.

АҚШда ўтган асрининг 70-йилларида турли ҳаракатларни аралаштирган ёш рақослар йирик шаҳарларнинг кўчаларига чиқди ва йўловчилар билан ўйнай бошлади. Намойишлар Нью-Йорк, Лос-Анже-

леснинг камбағал маҳалларида урфа кирди. Кейинчалик, дунёда омаллашиб кетди. Кўча рақослари мулақо қолига эга эмас, ҳаракатларнинг барчаси эркин.

Аҳоли наздида “тиланчи” деб таърифланаётган бу замонавий ёшларнинг санъатини сахнада эмас, кўчада кўрсатишларига сабаб излаб, уларни сўхбатга тортидик.



— Ёшлигимда отам онам иккимизни ташлаб кетган, — дейди рақос Иляс Бекжанов. — Биз кийин ахволда қолдик, пул жуда керак эди. Онамнинг ресторандан топгани рўзғорга етмади. Ишлашга қарор қилдим. Қурилишда икки кун ишлаганимдан кейин оёқ-қўлим қақшаб оғриди ва ўрнимдан туролмай қолдим. Даволаниб, кўчага сайр қилгани чикдим. Рақосларга кўзим тушди. Уларни аввал ҳам кўп кўрадим, лекин эътибор бермасдим.

Ахволимни тушунтирдим ва менга ҳам ўргатишларини, пул зарурлигини айтдим ва жон-жаҳдим билан рақсга тушишга қарор қилдим. Мана икки йилдирки, кўчадаман. Сахнада рақс тўшсам, ўзимни эркин ҳис этмайман, чунки унда қонун-қондалар бор. Кўчада эса ягона қоида — ҳеч қандай қонданнинг йўқлиги!

Кўча рақослари (Street Dance)нинг марказида дастлаб камбағал оилалардан чиққан негрланд ногирон болалари турарди. 80-йилларда Африкада безорилар кўча жангларини тўхтати, улар рақс тушиши ва голибини шу йўл билан аниқлашди. Бу даврининг широри “Курул билан эмас, ижодхорона курашин” эди.

Сайилгоҳ кўчасидаги ёшлар эса на камбағал, на ногирон. Уларнинг мусиқа

асбоблари, кийим ва “Иш қуроллари”нинг нархи эса ўзига тўқ оилаларнинг фарзандлари ҳам орзу қиладиган даражада қиммат. Сўхбат давомида Иляс жамоасида йўқликни туфайли меҳнатга лаёқатсиз, ноилоҳ кўчага чиққанлар ҳам, оғу учун уйдан пул сўромай, кўчани ағона илжиб деб билган гиёҳвандлар ҳам ёки шунчаки қизқиш учун рақсга тушадиган ўзига тўқ оилаларнинг фарзандлари ҳам борлигини таъкидлади.

Европада бу каби намойишларни асосан камбағал, ногирон болалар кўрсатишди. Шу “хунар”и орқали улар чойчага топади. Давлат ҳам улар учун муСОБАКЛАР ўтказди, қобилиятини баҳолаб, имкон борича ёрдам берди. Бизда-чи?

Сайилгоҳдаги санъаткорлар орасида тўқчиликдан майнавозчилик қилаётган, халқимиз тили билан айтганда, “замонавий тиланчилар” бор. Лекин чирмовуллар орасида гулдади хунарини юзага чиқара олмайётган иқтидор эгалари-чи? Тиркичиликнинг шундан бошқа йўлини топа олмай, санъати поймол бўлаётган қобилиятли ёшлар дардини кимга айтсин? Уларнинг айби пули йўқлигими?

Ойнайи жаҳон орқали кулоқни қоматга келтирадиган клипини айлантириб, машхуриятка эришаётган, битта ашулани ҳам фонограммасиз қуйлай олмайдиган “юлдуз”ларнинг олдиди айрим кўчалдаги-ларнинг санъати таҳсинга лойиқ.

Мутасаддилар уларнинг муаммоларини ўрганиб, сарагини саракка, пучагини пучакка чиқарса яхши бўларди. Ажабмас, юртимиз ёшлари, катта ютуқларга эришаётган турли соҳалар қаторига кўча рақос ва хонандалари ҳам ўз хиссасини қўшса...

Абдулазиз АХМЕДОВ



Mutolaa san'ati

JON LEBBOK

Jon Lebbok (1834-1913) britaniyalik qomusiy olim, yozuvchi, siyosatchi, arxeolog, biolog. Arxeologiyaga neolit va paleolit tushunchalarini kiritgan.

Yaxshi KITOB — DO'ST

Kitoblar, haqiqatan, kambag'al kulbasini orzular saroyiga aylantira oladi.

Bashariyat uchun kitob — inson xotirasidag gap. Ularda — bizning tariximiz, ularda — haqiqatlarining kashf etilishi, ularda — ilm-fan rivoji va asiyi tajribalar mujassami.

Ikki kishi haqida qadimgi sharh rivoyati bor: bittasi qiroi-ku, ammo tunlari tushida o'zining gadoylik qilib yurganini ko'radi; boshqasi gado, ammo u har kecha qiroi bo'lganini, saroyda davron surayotganini tush ko'radi.

Kitoblar dunyosini odatda do'stlar davrasiga qiyoslashadi. Ammo do'stlar davrasining eng olijanoblarini, iste'dod sohiblarini ajal olib ketadi, boshlagan ishlari

yakuniga yetmay qoladi. Kitoblar olamida esa aksincha: fano daryosi ko'piklarni — nomunosiblarni oqizib ketadi, ammo yaxshilarga tegolmaydi...

Hayot berishi mumkin bo'lgan barcha ne'matlardan bahramand bo'lgan ko'pchilik odamlar oxir-oqibat haqiqiy huzur-halovatni — kitob bilan yolg'iz qolishni avlo ko'radi. Eskem "Muallim" asarida Jeyn Grey xonim huzuriga borganini juda ta'sirchan hikoya qilgan.

"Qizqimish, — deya javob beradi qiz, — ularning har ne ko'ngilochar emaklari men Platoni o'qib his qilgan huzurning ko'rim-siz ko'lankasi, xolos..."

Makoley bir qizchaga yuborgan xatida yozadi: "Olijanob maktub uchun tashakkur. O'zimgin jajji qizimga shodu hurramlik baxsh etish men uchun doimo quvonchli bo'lgan; uning kitobsevar ekanidan xabar

topsam, yana ham sevinardim; u mening yoshimga yetganda, kitob kulcha yoki som-sadan ham shirinroq, barcha ovunchog'u o'yinchoqlardan qiziqroq, dunyodagi har qanday tomoshadan ham g'aroyibroq ekanini, albatta, tushunib yetadi. Agar menga qiroi bo'lishni — saroylar, bog'lar va xizmatkorlarga xo'jayin bo'lishni taklif etsalar, mazali taomlar, sharoblar berishsa, yumshoqqina ko'rpachaga o'rab qo'yishsa, hashamatli liboslar kiydirishsa — faqat bir shart bilan: agar kitob o'qimasam — men hech qachon rozi bo'lmas edim. Kutubxonani yo'q qiroi bo'lgandan ko'ra, qashshoqlar singari chordoqda, ammo sanoqiz kitoblarim bilan yashaganim yaxshi!"

Kitoblar, haqiqatan, kambag'al kulbasini orzular saroyiga aylantira oladi. "Pamasdan boqsang, taxt ustida turib qaragandan ko'ra olislar ko'rinadi", degan edi Jan-Pol Rixter. Qay bir ma'noda kitoblar bizga hayotdagi qaragandan jonliroq tuyg'ular baxsh etadi, qayta o'qiganingda tabiat tasviri yanada go'zalroq tuyuladi.

"Hamma ko'zgular sehri, — deya bizni ishonitiradi Jorj Makdonald, — eng oddiy xona ham ko'zguda aks etganda shoirona, muhtasham makonga o'xshab ketadi".

Agar qaysidir kitob sizga qiziqarli tuyul-

masa, uning muallifini ayblashga oshiqmang. Mutolaa qila olishning o'zi ham haqiqiy san'at. Sust mutolaa qilishdan natija chiqmaydi. Qo'lga olingan kitobni uqishga harakat qilish kerak. Ko'pchilik o'qish-yozishni yaxshi bilaman deb o'ylaydi, aslida oramizdan ayrimlarga to'g'ri yozish va chinakam mutolaa qilish ko'nikmasini egallagan, xolos. Axir qog'ozdagi tanish so'zlar ma'nosini bilish va sukut saqlab, beixtiyor ko'z yugurtirishning o'zi kamlik qiladi. O'qilgan matnni xotirada qayta takrorlash, asarda tasvirlangan kishilarning qiyofasini ko'z oldingga keltirib, "tasavvurlar galereyasi"ga kiritishga harakat qilish lozim.

"Kitob, — deydi Eskem, — biz yigirma yilda o'z tajribamizda egallashimiz mumkin bo'lgan bilim-ko'nikmalarni bir yilda qolaversa, mutlaqo qiyinchilik o'rgatadi, hayotiy tajriba esa odamni donishmandlikdan ko'ra baxtsiz qilib qo'yish ehtimoli

rib yo'lga chiqishi shartmikan, deb o'ylanib qolasiz.


Kitob tanlash xuddi do'st tanlash singari jiddiy masala. Biz qanday ish qilayotganimiz singari nimani o'qiyotganimizga ham mas'ulmiz. Miltonning purma'no so'zi bilan aytganda, yaxshi kitobda "xud-di binafsha kabi, uni oziqlantirgan jonli iste'dodning pokiza va pishiq qorishmasi saqlanadi".

Kitobni zarracha bo'lsa ham huzurlanib (men katta foyda haqida aytmayman), ermakka emas, balki tarbiya olish niyatida mutolaa qilishimiz lozim. Yengil-yel-pi, ermakka yozilgan kitoblar shirinlikka o'xshaydi, bolalar uchun yoqimli va foydali, ammo aslning ularni shirin emasmi?

Shunday kitoblar borki, ularni kitob de-yishga qiling bormaydi, ularni o'qish — vaqtningi boy berish; ularning orasida odam jirkanadiganlari ham bor, mabodo o'sha kitoblar odam bo'lsa bormi, uyaliy o'tirmay ularni eshikdan quvib solgan bo'lardim. Albatta, hayotning xatar va vahimalaridan oqoh etadigan kitoblarni o'qiydigan hollar bo'ladi, ammo yovuzlikka qarshi yozilgan kitoblar ham yovuzlik ruhididir.

Yaxshiki, boshqa kitoblar bor — baxtimizga juda ko'p — ularni o'qigan har kishi ruhan yuksaladi. Faqat har kimning o'z ishi va sohasiga oid kitoblarni o'qish bilan cheklanishini xato deb sanayman. Bu kitoblar ham foydali — bunga qarshi emasmi, ammo bu kitobdan olish mumkin bo'lgan yuksak natija emas.

Chinakam kitoblar bizni teran tafakkur olamiga olib kiradi va bizga qanchalik ikir-chikirday tuyulsa-da, kundalik turmushning g'am-tashvishlarini deyarli unutmaz. Kitob bilan muloqotga kirishgan kishiga halal berishni chinakam jinoyat hisoblayman. Bunday hollarga qarshi Xemerton e'tiroz bildirgan edi: "Butun diqqat-e'tiborini sevimli muallifi bilan muloqotga qaragan odamni tasavvur qiling, balki u kirgan olam bizning davrimizdan mutlaqo a'lo, o'zga asrga, o'zga madaniyatga tegishlidir. Mana, masalan, u Plutonning "Suqrot himoyasi"ni mutolaa qilayotir, uning tasavvurida rangin bo'yoqlarda jonli lavhalar tiklanayotir: besh yuz hakam, yunon me'morchiligining qat'iy chiziqchilari, afinalik olomonning gala-g'ovuri, dog'ul Milet, yovuz hasadgoylar, donishmandning g'amgin, sodiq do'stlari, ularning o'rtasida esa — yozin-qishin bitta yupun kiyimda yurgan qariya. Uning yuzi oddiy ko'rinishi mumkin, ammo qarashida shunchalar mardlik, g'urur tuyg'ulari borki, buyuk aktyor ham hech qachon bu rolmi o'ynay olmagani bo'lardi. Shunda shafqatsiz hakamlarning ovozi eshitiladi: "Erkak o'limga hukm etilsin! Xuddi shunday". Hozir kitobxon asarning Suqrot Pritaneumga mahkum etilishi tasvirlangan joyiga etib keldi va agar o'quvchini o'sha



SHUNDAY KITOBLAR BORKI, ULARNI KITOB DEYISHGA TILING BORMAYDI, ULARNI O'QISH — VAQTINGNI BOY BERISH; ULARNING ORASIDA ODAM JIRKANADIGANLARI HAM BOR MABODO O'SHA; KITOBLAR ODAM BO'LSA BORMI, UYALIY O'TIRMAY ULARNI ESHIKDAN QUVIB SOLGAN BO'LARDIM.

joyda chalg'itishmasa, bizning fikriy zo'ri-qishimiz uchun beriladigan mukofot — oliy lazzatning nurlu daqiqalarini his etadi". Olijanob va qiziqarli kitob bilan bir soat vaqt o'tkazgan kishichalik ezigulik bilan baxtga erishgan odam bo'lmasa kerak. Va nafaqat mutolaa vaqtida: undan keyin ham yorqin va baxtiyor taassurot qalbmizda qoladi, qachon istasak, ularni yana qalbmizda qayta uyg'ota olamiz...

Ingliz adabiyoti — inglizlarning milliy boyligi, madaniy merosi. Biz dunyoga buyuk shoirlar, donishmandlar, olimlar yetkazib berganimiz va yetkazib bermoqdamiz. Boshqa hech bir xalqda bunchalik yorqin, olijanob adabiyot yo'q. Bizning adabiyotimiz iqtisodiyotimizdan ko'ra boyroq, harbiy qo'shinlarimizdan ko'ra qudratliroq. U Vatanimizning chinakam g'ururi va shon-sharafi, uning madhiga qaratilgan hech bir so'z o'zi qadar yuksak bo'la olmaydi.

Rus tilidan HUMOYUN tarjimasini.

Bilasizmi?

ENG KATTA YUK TASHUVCHI KEMA

Daewoo kompaniyasi qurgan bu kemaning uzunligi — 399 metr. Dvigateli 43 000 ot kuchiga ega. Yuk sig'imiga kelsak, 18 270 ta 6 metrlik konteyneri mavjud, Narxi 190 million AQSh dollariga baholangan bu kemaning ekipaji 19 kishidan iborat.



OLY MAJLIS HUZURIDAGI JAMOAT FONDI "OAVlarda millatlararo bag'rikenglik va do'stlikni, tinchlik va barqarorlikni keng targ'ib etish" mavzusida Davlat grantlari ajratish uchun tanlov

E'LN QILADI:

Taniyovga nodavlat notijorat tashkilotlari, ommaviy axborot vositalari va fuqarolik jamiyati boshqa institutlarining quyidagi maqsadlari nazarda tutgan ijtimoiy ahamiyatga molik loyiha buyurtmanomalarini qabul qilindi:

— ajdodlar tomonidan to'plangan tarixiy, madaniy meroslarni asrab-avaylash, uning o'sib kelayotgan avlod tarbiyasida zarurligi borasidagi jamoatchilik tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash;

— milliy va umuminsoniy qadriyatlarini yoshlar ongiga singdirishga, etnik madaniy an'analarni asrab-avaylashga, xalq ijodiyotini qo'llab-quvvatlashga ko'maklashish;

— O'zbekistonda yashab kelayotgan turli millat va etlatlarning azaliy milliy an'analarini, urf-odatlarini, uduklarini saqlash borasida amalga oshirilayotgan tadbirlar haqida keng jamoatchilikni xabarдор qilish;

— madaniy merosni saqlash, aholi o'rtasida madaniy merosga bo'lgan munosabati yanada yuksaltirish, ularni kelajak avlodga bekamu ko'st etkazish va madaniy merosga bo'lgan munosabati shakllantirish borasida targ'ibot ishlarini kuchaytirish;

— mamlakat madaniy-tarixiy merosini ommalashtirishga, tarixiy sayyohlik qadamlarini tanitishga, ularning faoliyatini targ'ib etishga qaratilgan OAV loyihalarini qo'llab-quvvatlash;

— milliy madaniy markazlar tomonidan mamlakatimizning erkin demokratiya taraqqiyotini aks ettiruvchi turli xildagi to'plamlar, ijodiy ishlarini chop etishga, xalq ommasiga yetkazishda har tomonlama ko'maklashish;

— O'zbekistonning tinchlik va barqarorlikni, fuqarolar to'lovligini ta'minlash sohasidagi yutuqlari, mamlakatdagi bag'rikenglik tamoyillari, tarixiy va madaniy meros, aholining urf-odatlarini, qadriyatlarini to'g'risida axborot, taniyov materiallari va yangiliklarni milliy va xorijiy OAVda keng yoritish;

— jamiyatda millatlararo totuvlikni mustahkamlash, O'zbekistonda istiqomat qiluvchi turli millat va etlat vakillarining o'ziga xos milliy an'analarini, urf-odatlarini va marosimlarini saqlash hamda rivojlanish bo'yicha mamlakatimizda izchil amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar to'g'risida xalqaro jamoatchilikni xabarдор qilish;

— millatlararo do'stlik va hamjihatlik, birdamlikni yanada mustahkamlash, konfessiyalararo totuvlikni ta'minlashda fuqarolik jamiyati institutlarining roli va ahamiyatini kuchaytirish;

— milliy hunarmandchilik sohasida ustoz-murabbiylik an'analarini yanada rivojlantirish, keksa avlodning bilim, tajribasi va mehnat salohiyatidan foydalanish, ularni hayotga tatbiq etishga ko'maklashish;

— turizmning tarixiy-ilmii, ekologik, faol, gastronomik va boshqa turlarini xorijiy auditoriya o'rtasida ommalashtirish orqali O'zbekistonning sayyohlik hamda madaniy-tarixiy jozibadorligini kuchaytirish;

— turizmni rivojlantirishda muhim o'rinni tutadigan yangi madaniy sayyohlik yo'nalishlarini tashkil etishga, ijtimoiy infratuzilmani rivojlantirishga, yangi ish o'rinlarini tashkil qilishga, innovatsion texnologiyalarni jalb etishga ko'maklashish.

Davlat granti tanlovida ishtirok etish uchun quyidagi hujjatlar taqdim etiladi: 1. Tashkilot rahbari tomonidan imzolangan va muhr bilan tasdiqlangan kuzatuv xati.

2. www.fundngo.uz veb-saytida joylashtirilgan shaklida to'dirilgan davlat granti loyihasi uchun ariza.

3. Davlat ro'yxatidan o'tkazilgan Ustav (Nizom) hamda guvohnomaning muhr bilan tasdiqlangan nusxasi.


4. Agar loyiha amalga oshirish litsenziyalanadigan faoliyatni talab qilsa, unda litsenziyaning nusxasi taqdim etiladi.

5. Manfaaddor davlat va yirik jamoat tashkilotlari bilan tuzilgan ijtimoiy sheriklik qo'shma rejalarini ilova qilinishi mumkin.

Bitta loyiha uchun davlat granti miqdori — 30 million so'mgacha.

Hujjatlar 2019-yil 23-avgustdan 25-sentyabrgacha qabul qilinadi. Hujjatlar "Oliy Majlis huzuridagi jamoat fondi" nomiga: 100163, Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 43-uy manziliga "O'zbekiston pochatasi" orqali muhrlangan konvertida (A4 formatda) yuborilishi shart. Hujjatlar namunalari bilan Oliy Majlis huzuridagi jamoat fondining www.fundngo.uz rasmiy veb-saytida tanishish mumkin. Ma'lumot uchun telefonlar: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.

"QARDOSH DIYOR" bilimdonlik mashqlari



DIAGONAL BO'YICHA CHAPGA:

4. Bir yillik, xushbo'y oshko'k o'simlik. 29. Kurashning xilma-xil, samarali milliy usullarini qamrab olgan turi.

ENIGA: 5. Katta irrigatsiya ahamiyatiga ega bo'lgan, Balxash ko'liga quyiluvchi daryo. 23. Mamlakat janubidagi daryo, Sirdaryoning o'ng irmog'i.

BO'YICHA: 22. Eng ko'p miqdorda yetishtiriladigan ekin. 23. Hayotda qaror topgan urf-odatlar majmui. 24. Qozog'istonga chegaradosh Respublika poytaxti. 25. Abay asarlarini chuqur o'rgangan fors shoiri va mutafakkiri. 26. O'rmon yirtqichi. 27. Qozog'iston Respublikasi davlat tili. 30. Qimmatbaho qazilma ma'dan.

MUAMMONOMA Kalit so'zlar: 1. Qo'nonboy o'g'li Abay nomi bilan tanilgan ma'rifatparvar shoirning asli ismi — 1, 3, 5, 7, 13, 1, 2.

2. Qo'nonboy o'g'li Abay "Qissai Yusuf" dostoning suyuqini "sovg'a qilib" shu asarning yozilishiga sababchi bo'lgan farzandi — 7, 12, 1, 6, 3, 7, 20.

3. Qozog'iston Respublikasi pul birligi — 15, 4, 8, 19, 4.

4. Milliy taomlaridan biri — 3, 4, 17, 3, 9, 5, 2, 7, 12.

5. Mashhur qozoq xalq ertagi qahramoni — 9, 6, 10, 9, 5, 16, 14, 18, 9.

6. Taqinchoq turi — 11, 1, 5, 9, 16. Endi kalit so'zlari javoblaridagi harflar orqali shakldagi raqamlarda yashiringan muammonamoni hal eting. Bunda ulardan qardosh xalq maqollaridan birini bilib olasiz.

7. Qozog'iston hududida joylashgan dunyoda eng birinchi va eng katta kosmodrom. 36. Tarkibida metall va uning birikmalari bo'lgan tabiiy xom ashyo. 37. Qazib olinadigan o'tga chidamli ma'dan.

DIAGONAL BO'YICHA O'NGGA: 4. Xalqning sevimli shoiri, mohir so'z ustasi, ulug' o'qinching ismi — 11, 1, 5, 9, 16. Jabayev. 28. Qishki yirik xalqaro musobaqalarga mo'ljallangan sport majmuasi.

Tuzuvchi: Foziljon O'RIPOV

MUASSIS O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI MARKAZIY KENGASHI Gazeta O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

BOSH MUHARRIR Faxriddin KARIMOV TAHRIR HAY'ATI Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov, Mehriroz Abbosova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov, Hamza Abdullayev — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Модель Узбекистана"), Javlon Vafayev — mas'ul kotib ("Yoshlar ovozi"), Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Модель Узбекистана")

Navbatchi Hasan USMONOV Dizayner Xurshid ABDULLAYEV

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32. Telefonlar: (71) 150-22-74, (71) 233-95-97, (71) 233-79-89 (faks)

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq. Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41. Indeks: 203, 3203 Bahosi kelishilgan narxda. Buyurtma G-913 Adadi — 3282 Bosilishga topshirish vaqti — 21.00 Topshirildi — 03.30 O'za yakuni — 03.30